

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИКУЛОВ АЗАМАТ ТУЙГУНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФОНД БОЗОРИ ОРҚАЛИ КАПИТАЛ ОЎИМИНИ
ОШИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

УЎК: 336.76(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of Philosophy (PhD)
on economical sciences**

Аликулов Азамат Туйгунович

Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш3

Аликулов Азамат Туйгунович

Увеличение потока капитала через фондовый рынок в Узбекистане25

Alikulov Azamat Tuygunovich

Increasing capital flow through the stock market in Uzbekistan47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИКУЛОВ АЗАМАТ ТУЙГУНОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФОНД БОЗОРИ ОРҚАЛИ КАПИТАЛ ОЎИМИНИ
ОШИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мазмуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt943 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иктисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Элмирзаев Самариддин Эшқуватович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Карлибаева Рая Ходжабаевна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Носиров Эгамкул Исмоилович
иктисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 04 кuni соат 19⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (181 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «09» 04 кuni тарқатилди.
(2021 йил «09» 04 даги 14 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Н. Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий оппонент раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда реал иқтисодиёт ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилишда ҳамда қайта тақсимлашда фонд бозори муҳим функционал вазифаларни бажариб, нафақат капитални даромадлироқ ва истикболли тармоқларга йўналтириш, балки активларнинг реал бозор баҳосининг (хатто глобал миқёсда) асосий индикатори бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, «2019 йилда дунё бўйича фонд бозори савдо айланмаси 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 7,854 трлн. АҚШ долларига камайиб 60,359 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди. Ушбу кўрсаткич 2008 йилдаги глобал инқирознинг фонд бозори савдоларига энг катта салбий таъсир кўрсатган даври 2009 йилдаги 62,874 трлн. АҚШ доллар»¹ миқдоридан ҳам пастга тушиб кетганлигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида капитал оқимини фонд бозори орқали ҳаракатини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар натижалари асосида фонд бозорининг миллий ва халқаро тизимларини ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалар юритилмоқда ҳамда узлуксиз равишда такомиллаштирилмоқда. Фонд бозори савдо механизмларини такомиллаштириш, жаҳон фонд биржаларига қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали халқаро миқёсдаги капиталдан фойдаланиш, жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва оптимал капитал тузилмасини шакллантиришга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар шулар жумласидандир. Аммо, фонд бозори орқали мамлакатга капитал оқимини кучайтириш мумкинлигига қаратилган жиҳатлар ханузгача ўз илмий ечимини тўлалигича топмаган.

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини яхшилаш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга хорижий ҳамда ички сармояларни фаол жалб этиш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришда фонд бозори инфратузулмасидан фойдаланишга эътибор кучайтирилган. «Капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш»² орқали молия бозорида рақобат муҳитини яхшилаш ва бунинг натижасида иқтисодиётга капитал оқимини ошириш мақсад қилинган. Бунда фонд бозорида инвесторларнинг фаоллигини ошириш учун биринчи галда қимматли қоғозларнинг ликвидлигини ва диверсификация даражасини ошириш зарур. Чунки, бугунги кунда Ўзбекистонда акцияларнинг эркин муомаласи «ЯИМга нисбатан 0,5 % атрофида»³ эканлиги

¹ <https://data.worldbank.org/indicator/CM.MKT.TRAD.CD> маълумотлари асосида тайёрланди.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ «Для развития рынка капитала право собственности должно быть полностью гарантировано». Интервью с директором Агентства-<https://kun.uz/ru/news/2019/07/16/dlya-razvitiya-rynka-kapitala-pravo-sobstvennosti-doljno-byt-polnostyu-garantirovano-intervyu-s-direktorom-agenstva>.

хамда қимматли қоғозлар диверсификация даражасининг салбий ҳолати (акциялар 99 209,77 млрд. сўм, облигациялар 488,06 млрд. сўм)⁴ ички ва ташқи инвесторларни мамлакат фонд бозори инструментларига қизиқишининг паст бўлишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам фонд бозори орқали капитал жалб этиш ҳар томонлама чуқур илмий ўрганиш орқали мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини ифода этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сон «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги 358-сон «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фонд бозори назарий асослари, келиб чиқиши, молия бозори институтларининг ташкилий тузилмалари ва улар фаолиятини амалга ошириш механизмлари, хусусан фонд бозори орқали иқтисодиётга капитал жалб қилиш масалалари кўплаб хорижлик жумладан, A. Jirnyi, A. Sherman, E. Rosenberg, D.G.Ross, H.David, H.Markowitz, G.Mark, F.Mishkin, J.Chen, L.Gitman, M.Joehnk, R.Jagannathan, R.Juchau, S.Eakins, S. Donadio, S. Ghosh, S.Smart, S. Whright, T. Segal, T. J. Lim, T.Sheridan⁵ ҳамда МДХга аъзо давлатларининг А.И. Басова, А.Е.Дворецкая, В.А.Галанова, В.В.Ковалев, В.В.Чечин, В. Ярошевич,

⁴ «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» давлат корхонасининг 2019 йилдаги фаолияти яқунлари асосида тайёрланди.

⁵ David H., Mark G., Sheridan T.- Financial Markets and Corporate Strategy Second European Edition, Published by McGraw-Hill Education 2012, p. 849.; Frederic S. Mishkin, Stanley G. Eakins-Financial Markets and Institutions: Eighth Edition, USA, 2015. p. 615.; L.J.Gitman, M.D.Joehnk, S.Smart, R.H.Juchau, D.G.Ross, S. Whright-Fundamentals of investing, Third edition, Pearson Australia, 2011, p-593.; Sebastien Donadio, Sourav Ghosh-Learn algorithmic trading Build and deploy algorithmic trading systems and strategies using Python and advanced data analysis, UK, 2019, p. 365; Markowitz H.M. Portfolio Selection // The Journal of Finance, Vol. 7, No. 1. (Mar., 1952), pp. 77-91.; Tong Jing Lim*, Building a better bookbuilding system – an examination of the UK's bookbuilding regime and proposed reforms, UCL Journal of Law and Jurisprudence, DOI: 10.14324/111.2052-1871.071, 2016, pp 239-265.; Ravi Jagannathan, Andrei Jirnyi, Ann Sherman, Why don't issuers choose IPO auctions? the complexity of indirect mechanisms-Working Paper 16214, National bureau of economic research 1050 Massachusetts Avenue Cambridge, MA 02138 July 2010, p. 43.

С.З.Мошенский, К.Матвеев, Н.П.Назарчук, О.М.Шевченко⁶ каби олимларининг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.В.Ваҳобов, З.А.Ашуров, И.Л.Бутиков, М.Б.Хамидулин С.Э.Элмирзаев, Т.С.Маликов, У.Р.Халиков, Ф.Т.Мухамедов, Х.Х.Худойкулов, Ш.Ш.Шоҳаъзамий, Қ.Р.Чинқулов⁷ларнинг илмий ишларида мазкур масаланинг алоҳида муҳим жиҳатлари ўз аксини топган.

Юқорида номлари келтирилган олимлар ўз илмий изланишларида молия бозорининг, хусусан фонд бозорининг айрим жиҳатларини тадқиқ этган бўлсаларда, айнан иқтисодиётга капитал жалб қилишда фонд бозорининг аҳамиятини тадқиқот объекти сифатида ўрганмаганлар. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИЗ-200170928247 «Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида уй хўжаликларида тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг иқтисодий ва молиявий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

⁶ А.Е.Дворецкая, Рынок капитала в системе финансирования экономического роста в Российской Федерации: автореф. дис. докт. экон. наук: 08.00.10. - М., 2007. – 40 с.; В.А. Галанова и др. Рынок ценных бумаг: Учебник/ - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Финансы и статистика, 2006. - 448 с.; В.В.Ковалев, Финансовый менеджмент; теория и практика. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. - 1024 с.; В.В.Чечин, Инвестиционные предпочтения частных инвесторов как основа принятия решения на рынке ценных бумаг. автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.10 - Новосибирск, 2017. – 24 с.; С.З.Мошенский. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы/ - Москва: «Экономика», 2010. 239 с.; О.М.Шевченко-Правовое Регулирование деятельности по организации торговли рынка ценных бумаг: Монография/ - Москва: ООО «Проспект», 2017. 325 с.; Н. П. Назарчук. Ипотечное кредитование как инструмент решения жилищных проблем в Российской Федерации : монография/– Тамбов : Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. 152 с.; Вячеслав Ярошевич, Казимир Матвеев-Механизм первичного публичного размещения акций, БанкаЎски веснік, кастрычнік. 20.08.2014:- с. 46-52.

⁷ А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов-Молия. Дарслик. «Ношир», Т.: 2011. 712 б.; С.Э.Элмирзаев ва бошқалар. Молия бозори. Дарслик. Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2019. 324 б.; Ш.Ш.Шоҳаъзамий-Финансовый рынок и ценные бумаги. Книга II. Учебник. Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2005.- 847 с.; У.Р.Халиков: «Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати: Т.: 2017, 54 б.; Ф.Т.Мухамедов: «Ўзбекистонда кимматли қоғозлар савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари» Иқтисод фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати: Т.: 2019, 60 б.; Х.Х.Худойкулов: «Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати: Т.: 2018, 52 б.; Қ.Р.Чинқулов: «Акциядорлик жамиятларини корпоратив кимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш» Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати: Т.: 2019, 65 б.; Игорь Бутиков: Рынок ценных бумаг Узбекистана: новые горизонты, Журнал «Бозор, пул ва кредит», №1, 2019 г. с. 58-69.; М.Б.Хамидулин-Основные направления оптимизации структуры финансирования экономики Узбекистана, Современная наука: актуальные проблемы и пути их решения. 2016. № 4 (26), с 5.; З.А.Ашуров: «Факторы повышения конкурентоспособности рынка ценных бумаг: листинг, рыночная капитализация и корпоративное управление» «Илм-фан ва инновацион ривожланиш» журналі, №6, 2019, с. 16-26.

фонд бозорининг пайдо бўлиши ва капитал жалб қилишдаги аҳамиятини ёритиб бериш;

иқтисодиётга капитални фонд бозори орқали жалб қилишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

фонд бозори орқали капитал жалб қилишнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда фонд бозорини тартибга солиш амалиётини капитал оқимига таъсирини ўрганиш;

«Тошкент» Республика фонд биржасининг мамлакат капитал ҳаракатида тутган ўрнини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг фонд бозори ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг жаҳон молия бозорига чиқиш истикболларини аниқлаш;

Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал жалб қилиш бўйича илмий асосланган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон фонд бозори орқали капитал жалб қилиш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети фонд бозори орқали капитал оқимини оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

корпоратив тузилмаларни акция ва облигациялар турларига мос муқобил вариантлар асосида молиялаштириш ва танлаб олинган вариантнинг энг мақбул эканлиги бўйича назоратни ташкил этиш таклиф этилган;

давлат иштирокидаги корпоратив тузилмаларга фонд бозорида капитални баҳолаш бўйича инвестицион маслаҳат хизматини жорий қилиш орқали банк кредитларига нисбатан арзон молиявий ресурс жалб қилиш имконияти асосланган;

нефть-газ тармоғида қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришга тайёрлашда инвесторлар томонидан энг кўп талаб билдирилган нарх диапазони орқали ўрта вазнли қийматини белгилаш таклиф этилган;

нефть-газ тармоғида қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришга тайёрлаш жараёнида чакана инвесторларнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисмини чакана инвесторларга тақсимлашни олдиндан белгилаб қўйиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молия бозори орқали капитал жалб қилишда банк тизимига қўшимча равишда фонд бозорини ривожлантириш орқали рақобат муҳитини кучайтириш имкониятлари кўрсатиб берилган;

Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал жалб қилишга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири бўлган иқтисодиётда давлат улушининг

юқорилигини ҳисобга олиб, хусусий сектор улушини ошириш ва давлат активларини хусусийлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

фонд бозорини ривожлантириш ва капитал жалб қилиш имкониятларини ошириш мақсадида фонд бозори инструментлари таркибини диверсификация қилиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун мақбул инструментлар турларини муомалага киритиш заруриятлари ва имкониятлари асосланган;

фонд бозорига чакана инвесторлар яъни аҳолининг молиявий ресурсларини жалб қилиш кўламини кенгайтириш ҳамда ҳудудларда фонд бозори фаолиятини ривожлантириш ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, «Тошкент» Республика фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, Давлат статистика кўмитаси маълумотларига, шунингдек, Жаҳон банки, Лондон фонд биржаси, Халқаро биржалар ассоциацияси каби халқаро ташкилотларнинг маълумотлари таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини кучайтиришни халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистон иқтисодиётига фонд бозори орқали капитал жалб қилишни жадаллаштириш бўйича қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамда олий таълим муассасаларида «Инвестиция ва инновациялар», «Молия бозори» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал жалб қилишни ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

корпоратив тузилмаларни акция ва облигациялар турларига мос муқобил вариантлар асосида молиялаштириш ва танлаб олинган вариантнинг энг мақбул эканлиги бўйича назоратни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги, 404-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан оператив бошқарувидаги давлат иштирокидаги корхоналарга капитални жалб этиш амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 4840/03-10-сон маълумотномаси). Натижада, жалб қилинган молиявий ресурсларнинг даромадлилик даражасини ошириш ҳамда давлатга тегишли

корпоратив тузилмаларнинг истикболда молиявий ресурслар жалб қилиш бўйича қарорлар қабул қилишида банк кредитларига муқобил вариант сифатида фонд бозоридан фойдаланиш имкониятлари оширилган;

давлат иштирокидаги корпоратив тузилмаларга фонд бозорида капитални баҳолаш бўйича инвестицион маслаҳат хизматини жорий қилиш орқали банк кредитларига нисбатан арзон молиявий ресурс жалб қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-6096-сон фармонини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 4840/03-10-сон маълумотномаси). Натижада, молия бозори орқали капитал жалб қилишда фонд бозори ва банк тизими орқали рақобат муҳитини яхшилаш, корпоратив тузилмаларга арзон молиявий ресурсларни излаб топиш, стратегик ривожланиш бўйича режалар ишлаб чиқиш ҳамда капитал бозорини таҳлил қилиш ва баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

нефть-газ тармоғида қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришга тайёрлашда инвесторлар томонидан энг кўп талаб билдирилган нарх диапазони орқали ўрта вазнли қийматини белгилаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11 ноябрдаги ХБ-370/11-сонли буйруғига асосан «Нефт ва газ қудуқларини синаш» АЖ ва «Қашқадарёнефтгазишчитаъминот» АЖлари акцияларини оммавий жойлаштириш стратегиясига киритилган («Нефт ва газ қудуқларини синаш» АЖнинг 2020 йил 21 октябрдаги 1416/13-сон, «Қашқадарёнефтгазишчитаъминот» АЖнинг 2020 йил 21 октябрдаги 104-сон маълумотномаси). Натижада, энг кўп овоз жамлаган нарх умумий инвесторлар таркибида энг юқори талаб даражасини аниқлаб бериб IPO/SPOларни амалга ошириш учун нархларни белгилашнинг одилона тизими шакллантирилган;

нефть-газ тармоғида қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришга тайёрлаш жараёнида чакана инвесторларнинг молиявий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисмини чакана инвесторларга тақсимлашни олдиндан белгилаб қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11 ноябрдаги ХБ-370/11-сонли буйруғига асосан «Нефт ва газ қудуқларини синаш» АЖ ва «Қашқадарёнефтгазишчитаъминот» АЖлари томонидан IPO стратегиясини шакллантиришда фойдаланилган («Нефт ва газ қудуқларини синаш» АЖнинг 2020 йил 21 октябрдаги 1416/13-сон, «Қашқадарёнефтгазишчитаъминот» АЖнинг 2020 йил 21 октябрдаги 104-сон маълумотномаси). Натижада, қимматли қоғозларни оммавий жойлаштиришда инвесторлар ўртасида қимматли қоғозларни тақсимлаш жараёни оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 10 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предметини, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фонд бозори орқали капитал жалб қилишнинг назарий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида фонд бозорининг пайдо бўлиш тарихи, иқтисодиётга капитални фонд бозори орқали жалб қилишнинг назарий асослари бўйича жаҳон тажрибаси ўрганилган. Шунингдек боб якунида тегишли хулосалар келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида фонд бозори атамасига аниқ таъриф келтирилмаганлиги аниқланган. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозорида тузилмавий ўзгаришлар (Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг ташкил этилиши) амалга оширилгандан сўнг капитал бозори атамасига кўп мурожаат қилинмоқда, аммо капитал бозори атамасига ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳеч бир ҳуқуқий ҳужжатида аниқ таъриф келтирилмаган. Шу боисдан диссертация ишининг биринчи бобида ушбу атамаларга жаҳон тажрибасида келтирилган таърифлар ва назарий ёндашувларни кўриб чиқилган.

Изланишлар натижасида ушбу атамаларга турли манбаларда турлича таърифлар берилганлиги аниқланган. Баъзи олимлар «қимматли қоғозлар бозори ва фонд бозорини бир хил маъно англатувчи тушунча»⁸ деб эътироф этсалар, баъзилар эса «уларга фарқланувчи тушунчалар сифатида алоҳида

⁸ С.З.Мошенский. Рынок ценных бумаг: трансформационные процессы-М: «Экономика», 2010. с. 35.

алохида таъриф беради»⁹. Баъзи бир иқтисодчилар эса «фонд бозори бир қанча биржалар ва биржадан ташқари савдо майдончаларини ўз ичига олади»¹⁰ деб эътироф этади. Шунингдек баъзи манбаларда капитал бозорини «ўз фаолиятини амалга оширишда ресурсларга талаби бўлган фирма ва бошқа ташкилотлар инвестиция қилишга пулли ресурслари мавжуд жисмоний шахслар ва ташкилотлар билан бирлашадиган майдон»¹¹ дир таъриф берилса, баъзиларида инвестицияларни йўналтиришда айнан қимматли қоғозларнинг муддатлари ва турларини ҳисобга олган ҳолда капитал бозорини таърифлашга ҳаракат қилинган. Хусусан, капитал бозори атамасига хорижлик олимлар Фредерик Мишкин, Стенлей Еакенслар «улушли қимматли қоғозлар ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларини (одатда бир йил ёки ундан узоқ муддатда сўндирилувчи) олди сотди қилинадиган бозор»¹² деб, В.В.Ковалев «узоқ муддатли капитал ва қарз мажбуриятларини жамловчи ва ҳаракатга келтирувчи бозор»¹³, А.Е.Дворецкая «ресурсларни оптимал тақсимловчи, миллий жамғармалар ва инвестицияларни самарали йўналтирувчи механизм»¹⁴ деб таърифлар келтирган. Фонд бозори тушунчасига эса О.М.Шевченко «инвестицион қимматли қоғозлар (эмиссияланадиган қимматли қоғозлар, инвестицион пайлар, пай инвестицион фондлари ва ипотекада иштирок этиш бўйича сертификатлар)га, шунингдек ҳосилавий молиявий инструментга доир битимларни тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ жамият алоқалари тизими»¹⁵ деб таъриф берган.

Тадқиқотлар натижасида изланувчи томонидан фонд бозори ва капитал бозори тушунчаларига қуйидагича аниқ таърифлар берилган:

фонд бозори-қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш ва амалга ошириш билан боғлиқ тизим;

капитал бозори-ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар савдоси амалга ошириладиган бозор.

Диссертация ишида фонд бозори орқали капитал жалб қилишни жадаллаштириш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистон амалиётида мавжуд бўлмаган аммо уларни жорий этиш орқали фонд бозорига капитал жалб қилишни оширишнинг қўшимча имкониятлари яратиладиган хориж тажрибаларини қўллаш бўйича таклифлар берилган. Хусусан, Ўзбекистонда инвесторлар учун фонд биржаси савдоларида мустақил қатнашиш имкониятини яратадиган дастурий таъминот «DMA» (*Direct Market Access*)га интеграция қилинган мобил илова «АРР»ни жорий этиш орқали майда, аммо

⁹ О.М.Шевченко. Правовое Регулирование деятельности по организации торговли рынка ценных бумаг: Монография/ -Москва: ООО «Проспект», 2017. с. 29.

¹⁰ James Chen-Stock market, Feb 28, 2020.-<https://www.investopedia.com/terms/s/stockmarket.asp>

¹¹ David Hillier, Mark Grinblatt, Sheridan Titman Financial Markets and Corporate Strategy, Published by McGraw-Hill Education, 2012. p.-4.

¹² Frederic S. Mishkin, Stanley G. Eakins-Financial Markets and Institutions: Eighth Edition, USA, 2015. p-20.

¹³ Ковалев В.В. Финансовый менеджмент; теория и практика. — 2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. - 156 с.

¹⁴ Дворецкая А.Е. Рынок капитала в системе финансирования экономического роста в Российской Федерации: автореф. дис. докт. экон. наук: 08.00.10. - М., 2007. – 40 с.

¹⁵ О.М.Шевченко. Правовое Регулирование деятельности по организации торговли рынка ценных бумаг: Монография/ -Москва: ООО «Проспект», 2017. с. 29.

кўп сонли жисмоний шахслар (аҳоли)нинг молиявий ресурсларини жамлаш орқали мамлакатимизда капитал ҳажмини ошириш имкониятлари пайдо бўлади.

Бундан ташқари, диссертацияда IPO¹⁶ жараёнларида кимматли қоғозларнинг нархларини энг оптимал ва аниқ талаблар асосида шакллантириш, потенциал инвесторларни танлаб олиш жараёнини осонлаштириш имкониятини яратадиган дунё амалиётида кенг фойдаланиладиган «Book building» усулини Ўзбекистонда амалиётга жорий этиш истиқболлари ҳам ўрганилган. Бунда IPOни ташкил этиш усуллари афзаллик ва камчиликларини такқослаш орқали эришилган таҳлил натижалари куйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

IPOларни ташкил этиш усуллари афзаллик ва камчиликлари¹⁷

Хусусият-лари	Қатъий нарх усули	Аукцион усули	Book building усули
Афзалликлари	<ul style="list-style-type: none"> - акциялар олдиндан белгиланган нархда сотилиши; - инвесторлар қамрови кенглиги; - акциялар пакети ликвидлигининг ва савдосининг жадаллашуви; - чакана компаниялар акциялари нархи барқарорлашуви. 	<ul style="list-style-type: none"> - рақобатбардош савдоларни таклиф этиши; - келгуси листинг ва IPOлар учун қўшимча маълумотлар базасини тақдим этиши; - усулнинг стандартлашуви ва марказлашуви; - бозор қоидалари асосида нархни аниқланиши ва клиринг нархини ҳисоблашнинг шаффофлигини таъминланиши; - учинчи шахслар билан музокараларни чеклаши; - нархни белгиловчи асосий харидорга эҳтиёж йўқлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - нархни аниқлаш талаб таҳлиliga асосланганлиги; - баҳолашнинг шаффофлиги ва инвесторлар таркиби нарх орқали аниқланиши; - инвестор фикрини ва компания қийматини ифода этиши; - акциядорлар сонининг камлиги; - нархларни белгилашда савдо ташкилотчиси эркинлиги.
Камчиликлари	<ul style="list-style-type: none"> - инвесторлар сони жуда кўплиги; - нархларни аниқлашда инвесторлар иштирок этмаслиги; - нархларни юқори белгилаш ёки паст белгилаш rischi мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - савдо натижаларини башорат қилиш қийинлиги; - инвесторларга ахборот тўплаш учун қилинган харажатларни қоплаш кафолатланмаслиги; - ахбороти етарли бўлмаган инвесторлар нархларни асоссиз кўтариб юбориши мумкинлиги; - юридик маслаҳатчининг таклифлари иккиланишларга сабаб бўлиши мумкинлиги; - нархларни салоҳиятли инвесторлар томонидан келишилган ҳолда кўтариш ёки тушириб юбориш мумкинлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - аудитория сони чекланганлиги ва чакана инвестор четлашуви; - акциялар ликвидлиги паст бўлиши мумкинлиги.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан ушбу уч усул орасида энг кучли жиҳатлар бу «Book-building» усулида жамланганлиги кўринади. Тадқиқотлардан кўринадик, «аукцион» усулида электрон тизимда иштирокчилар аниқ тарқатиш тамойиллари асосида энг юқори харидорларга


¹⁶ Initial public offering-бирламчи оммавий таклифлар.

¹⁷ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

амалга оширилиши охир оқибатда 1990 йилларга келиб Лондон фонд биржасида очик-нардда «Book-building» усулидан фойдаланиш энг юкори ўринга чиқишига сабаб бўлган»¹⁸. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида IPOларни ташкиллаштиришда «Book-building» усули механизмларидан фойдаланиб келинмоқда. Аммо мамлакатимизда фонд бозори савдолари асосан аукцион усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилмоқда. Алоҳида шартлар асосида ташкиллаштириладиган IPOларда ҳам «Book-building» усулининг аксарият унсурларидан фойдаланилишига қарамасдан ушбу усулнинг бошқаларидан устун жиҳатларини таъминлашда муҳим ҳисобланган кесишиш нарҳини белгилашда ўрта вазнли киймат механизмидан фойдаланиш ва акцияларни тақсимлашда инвесторлар таркибига чегаралар кўйиш механизмларидан фойдаланилмаслиги Ўзбекистонда IPOларни ташкил этишда юқоридаги икки механизмни жорий этиш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкинлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда капитал жалб қилишда фонд бозори фаолиятининг амалий ҳолати» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда капитал бозорига таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий шароитни ўрганиш натижасида миллий фонд бозорининг ривожланиш даражасининг амалдаги ҳолати ва Ўзбекистон Республикасининг капитал бозори таҳлил қилиниб, боб якунида илмий асосланган хулосалар шакллантирилган.

Диссертацияда «Тошкент» Республика фонд биржаси (кейинги ўринларда «Тошкент» РФБ)да савдолар ҳажми ўрганилган бўлиб, уни қуйидаги 1-расмда кўриш мумкин.



1-расм. 1994-2019 йилларда «Тошкент» РФБ савдолари ҳажми¹⁹

¹⁸ Tong Jing Lim*, Building a better bookbuilding system – an examination of the uk’s bookbuilding regime and proposed reforms, UCL Journal of Law and Jurisprudence, DOI: 10.14324/111.2052-1871.071, 2016, p-242.- <https://pdfs.semanticscholar.org/1bbc/31a8779b5786a7ba724e9a2fff172a4b390d.pdf>.

¹⁹ «Тошкент» РФБ йиллик таҳлилий маълумотлари ва www.cbu.uz интернет сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Сўнги йилларда фонд биржаси савдолари кескин ошган, аммо миллий валютанинг кадрсизланиши ва ЯИМнинг ўсиш суръатларини ҳисобга олганда ушбу ўсиш аслида кўринганидек салмоққа эга эмас. Хусусан, 1-расмда кўринганидек Ўзбекистон сўмининг хорижий валюталарга нисбатан кадрсизланиши натижасида биржа савдолари айланмаси энг юқори бўлган 2018 йилдаги кўрсаткичини АҚШ долларарида ҳисоблаганда 2006, 2007, 2011 ва 2016 йиллардаги кўрсаткичлардан ҳам паст бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. 2019 йилда эса ҳаттоки 1996 йилдаги даражадан ҳам паст кўрсаткичга гувоҳ бўлиш мумкин. Шунга қарамай сўнги йиллардаги савдолар ҳажмининг ўсиш омилларини ўрганадиган бўлсак, бу асосан тижорат банклари ҳиссасига тўғри келганлигини 2-жадвал маълумотларида кўриш мумкин.

2-жадвал

«Тошкент» РФБ савдоларида тармоқлар улушлари (2014-2019йиллар)²⁰

Тармоқ	2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд. сўм)	Улуши (%)
Банклар	85,6	87,7	141,4	87,8	151,7	50,6	257,6	86,3	591	86	319,5	72,81
Суғурта	2,3	2,4	1,0	0,6	2,7	0,9	1,5	0,5	11	1,6	6,8	1,54
Лизинг	0,2	0,2	0,03	0,1	0,3	0,1	3,1	1,0	8,3	1,2	0,08	0,02
Қурилиш	2,1	2,1	3,05	1,9	3,6	1,2	1,6	0,5	15,8	2,3	35,9	8,2
Саноат	1,6	1,6	0,5	0,3	73,7	24,6	0,9	0,3	15,8	2,3	39,5	9,0
АСМ	2,6	2,7	11,8	7,3	15,9	5,3	27,3	9,2	17,2	2,5	27,9	6,35
Бошқ.	3,2	3,3	3,22	2,0	51,9	17,3	6,6	2,2	28,2	4,1	9,1	2,08
Жами	97,6	100	161,0	100	299,8	100	298,6	100	687,3	100	438,8	100

Биржа савдоларида энг катта улуш тижорат банклари ҳиссасига тўғри келганлиги боис диссертация ишида тижорат банклари қимматли қоғозларининг биржа савдоларида фаоллигини таҳлил қилинган. Тадқиқотлар натижасида тижорат банкларининг фонд бозорида активлигининг ошиши айнан давлат дастурлари ёки ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш ортидан юзага келганлиги тўғрисида хулосаларга келинган. Бундан ташқари, савдоларда «бир тармоқнинг яққол доминантлиги»²¹ биржада савдо жараёнларининг бир тармоққа боғланиб қолишига ва оқибатда савдо ҳажмининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиб «Тошкент» РФБда тармоқ структурасининг диверсификация даражасини яхшилаш зарурлиги диссертация ишида кўрсатиб берилган.

²⁰ «Тошкент» РФБ йиллик таҳлилий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

²¹ Ф.Т.Мухамедов: «Ўзбекистонда қимматли қоғозлар савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари» Иқтисод фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати: Т.: 2019, 27-б.

Бундан ташқари, диссертация ишида фонд бозоридаги ҳолатни янада яхшироқ тасаввур қилиш мақсадида қуйидаги 3-жадвалда уюшган ва уюшмаган қимматли қоғозлар бозори ҳажми ўрганилган.

3-жадвал

Ўзбекистонда уюшган ва уюшмаган қимматли қоғозлар бозори ҳажми²²

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Жами қимматли қоғозлар савдоси (млрд.сўм)	1327,0	3508	14 460	22 247	10710	37 681
Уюшган бозор (биржа савдолари) (млрд.сўм)	97,6	161,0	299,8	298,6	687,3	438,8
Уюшган бозор (биржадан ташқари савдолар) (млрд.сўм)	2,6	9,24	10,93	5,9	127,2	52,0
Уюшган бозор жами (млрд.сўм)	100,2	170,2	310,7	304,5	814,5	490,8
Уюшган бозор улуши (%)	7,6	4,9	2,1	1,4	7,6	1,3
Уюшмаган бозор (млрд.сўм)	1226,8	3 337,8	14 150	21 935,5	9 895,5	37 190
Уюшмаган бозор улуши (%)	92,4	95,1%	97,9%	98,6%	92,4%	98,7%

Жадвал маълумотларидан кўринадики 2019 йилда қимматли қоғозлар бозори айланмаси кескин юқорилаган. Бу ўсишга асосан уюшмаган бозорда 40,6 трлн. сўмлик акцияларнинг ёпиқ эмиссияси амалга оширилиши ортидан эришилган бўлиб, бу ўз навбатида қимматли қоғозларни ёпиқ эмиссия орқали реализация қилиш кескин ортганидан далолат беради. Бу эса миллий корпоратив тузилмаларнинг бозор қийматини аниқлаш имкониятини бермайди ҳамда ўзида қатъий тақсимлаш хусусиятларини намоён қилиб кўяди. Бу тақсимлаш корпоратив тузилмаларнинг капиталлашув даражасига яъни активларнинг бозор қийматининг ошишига ижобий таъсир кўрсатмайди.

Диссертация ишида Жаҳон банки томонидан ҳисобланиб статистик маълумотлари доимий равишда юритиладиган, фонд бозори капиталлашув кўрсаткичи ёрдамида аниқланадиган ҳамда 5 поғанали баҳолаш мезони асосида ўлчанадиган «Buffet indicator»и тадқиқотчи томонидан ўрганилган. Натижада, Ўзбекистоннинг ушбу Баффет индекатори бўйича даражаси 5-поғона яъни, 50% гача бўлганда - жуда паст даражадаги «Significantly Undervalued» коэффициентиға тўғри келиши аниқланган. Сўнги йилларда

²² Экономика Узбекистана-Информационно-аналитический бюллетень за 2014 год, Т-2015-<https://data.gov.uz/uploads/datasets/10-56/10-56-55.pdf>, Информация Центра по координации и развитию рынка ценных бумаг по итогам 2016 года - http://opendata.natlib.uz/files/markazlar/qimmatli_qogozlar/tsentra_po_itogam_2016_goda.pdf, Информация Центра по координации и развитию рынка ценных бумаг по итогам 2016 года - http://opendata.natlib.uz/files/markazlar/qimmatli_qogozlar/tsentra_po_itogam_2016_goda.pdf, Результаты деятельности госкомконкуренции Республики Узбекистан за 2017 год - <https://davaktiv.uz/ru/deyatelnost/rezultaty-deyatelnosti/press-relezy-o-rezultatakh-deyatelnosti-komiteta/3190-rezultaty-deyatelnosti-goskomkonkurentsii-respubliki-uzbekistan-za-2017-god>, Обороты Фондового Рынка - <http://www.openinfo.uz/ru/news/34/>, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг 2019 йиллик ҳисоботи - http://www.deponet.uz/sites/default/files/editor/godovoy_otchet_2019_uz-3.pdf.

ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистоннинг вазиятига баҳо бериш мақсадида фонд бозорининг капиталлашув даражаси қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Ўзбекистонда фонд бозорининг капиталлашув коэффициенти²³

Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
АЖларининг сони жами (дона)	1088	714	659	606	603	593
Листинга кирган АЖлар сони (дона)	133	261	191	186	132	112
Фонд бозори капиталлашуви млрд. сўм	7018,8	8436,3	7963,5	14817,7	21594,4	52300
ЯИМ ҳажми млрд. сўм	177 153,9	210 183,1	242 495,5	302 536,8	406 648,5	511 838,1
Фонд бозори капиталлашувининг ЯИМга нисбати	3,9	4,0	3,3	4,9	5,3	10.2

2018 йилда жаҳонда фонд бозорининг капиталлашуви кўрсаткичи ўртача 92,9%ни ташкил этганлигини ҳисобга олган ҳолда бу борада ҳам натижаларни яхшилаш зарурлиги, бунинг учун эса бозорда корпоратив тузилмалар қимматли қоғозларини ёпиқ эмиссия амалиётини камайтирган ҳолда, уларни бозор механизмлари орқали савдоларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида хулосаларга келинган.

Фонд бозорининг молия бозорининг бошқа сегментлари билан рақобатбардошлигини оширувчи яна бир муҳим кўрсаткич бу унинг инструментларининг диверсификация даражасидир. Шу боисдан қуйидаги 5-жадвалда «Тошкент» РФБнинг инструментлари таркибини келтирилган.

5-жадвал

«Тошкент» РФБда савдоларнинг инструментлар бўйича таркиби²⁴

Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил	
	Ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (%)	Ҳажми (млрд.сўм)	Улуши (%)
Акциялар бозори	153,5	95,3	295,8	98,7	295,6	99,0	683,3	99,5	400,2	90,4
Облигациялар бозори	7,5	4,7	4,0	1,3	3,0	1,0	4,0	0,5	38,6	9,6
Жами	161,0	100	299,8	100	298,6	100	687,3	100	438,8	100

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринадики Ўзбекистонда фақатгина сўнгги 2019 йилда фонд биржаси савдоларида облигациялар билан савдолар ҳажми ошган, аммо бу ўсиш асосан иккита тижорат банкининг облигациялари ҳиссасига тўғри келган (38,42 млрд. сўмлик «Asia allians»

²³ <https://www.uzse.uz/analytics>. <https://stat.uz/uz/2-uncategorised/6692-makroko-rsatkichlar2-> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

²⁴ <https://www.uzse.uz/analytics>-маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

АТБ ва 150 млн. сўмлик «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ). Бундан ташқари 2019 йилда мамлакатимизда жами қимматли қоғозлар бозорида облигациялар умумий ҳажмда 0,5 фоиз атрофида баҳоланиб, акциялар бозори эса 99,5 фоиз атрофидаги улушни эгалламоқда (Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсининг 2019 йилдаги фаолият натижаларига кўра 99 209,77 млрд. сўм акциялар умумий ҳажми, 488,06 млрд. сўм облигациялар умумий ҳажми)²⁵.

Тадқиқотлар натижасида баъзи МДХ давлатларида облигациялар савдоси ҳажми акциялар ҳажмидан анча юқорилиги аниқланган. Хусусан, «2018 йилда Қозоғистон «KASE»да акциялар улуши 17,9% облигациялар улуши 82,1%, Беларусия «БВФБ»да мос равишда 2,8% ва 97,2%, Украина «ПФТС»да 6,8% ва 93,2%»²⁶ни ташкил этган. Бундан кўринадики, мамлакатимизда корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларни жалб қилишларида ва активларини оширишларида фонд бозори имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмапти.

Диссертациянинг «Ўзбекистонга капитал оқимини оширишда фонд бозори имкониятларидан фойдаланиш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш орқали жаҳон молия бозорига чиқиш истиқболлари ўрганилган ҳамда назарий хулосалар, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон тарихида халқаро миқёсда инвестицияларни фонд бозори орқали жалб қилишда биринчи энг катта қадам бу шубҳасиз 2019 йил 14-февралда Лондон фонд биржасида Ўзбекистон Республикасининг суверен евробондлар (еврооблигациялар)ини савдоларга қўйилиши бўлди ва ушбу «бенчмарк»²⁷ муваффақиятли амалга оширилди. Аммо ушбу суверен еврооблигацияларни иккиламчи бозорда эгаллаб турган ўрнига ижобий баҳо бериш қийин (6-жадвал).

6-жадвал

Ўзбекистоннинг суверен еврооблигацияларининг иккиламчи бозор савдолари кўрсаткичлари²⁸

10 йиллик еврооблигациялар								
Савдо санаси	05.03. 2019	15.03. 2019	01.04. 2019	29.05. 2019	11.06. 2019	30.09. 2019	10.03. 2020	15.04. 2020
Савдо ҳажми	4000	2000	60000	3300	10000	6000	5000	2500
Нарх	98,04	100,2	99,52	102,25	103,80	109,85	109,90	103,50
5 йиллик еврооблигациялар								
Савдо санаси	22.02. 2019	25.02. 2019	11.06. 2019	03.07. 2019	07.08. 2019	30.08. 2019	06.11. 2019	
Савдо ҳажми	1	18	10000	10000	10000	2000	4000	
Нарх	99,27	99,38	103,22	105,52	106,02	106,08	105,18	

²⁵ Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг 2019 йилдаги фаолияти яқунлари. <http://www.deponet.uz/uz/page/kimmatli-kogozlarning-markaziy-depozitariysining-2019-yildagi-faoliyati-yakunlari>.


²⁶ Международная ассоциация бирж - Бюллетень биржевой статистики, 2018, с.40 - <https://mab-sng.org-маълумотлар асосида тайёрланган>.

²⁷ Фонд инструментини халқаро бозорда ўрни ва нуфузини аниқлаш.

²⁸ <https://www.londonstockexchange.com> - маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан ҳам кўринадики, суверен еврооблигациялар билан иккиламчи бозорда савдолар бор йўғи бир неча мартаба (санокли) амалга оширилган. Бундан ташқари 2020 йилда бошланган пандемия сабабли ушбу облигацияларнинг иккиламчи ҳаракати халқаро бозорда янада тушиб кетди ва савдолар деярли амалга оширилмади.

2019 йил 25 ноябрда миллий компанияларимиз орасидан биринчи бўлиб «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг еврооблигацияларини Лондон фонд биржасида савдоларга қўйилиши ҳам муваффақиятли амалга оширилди. Тадқиқотчи томонидан иккиламчи бозорда биринчи халқаро корпоратив облигацияларнинг ҳаракати таҳлил қилинган ҳолда ижобий баҳо берилган.



2-расм. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг корпоратив еврооблигацияларининг иккиламчи бозордаги ҳаракати²⁹

Юқоридаги расмда дунё молия бозорига салбий таъсир кўрсатган 2020 йилда бошланган пандемия «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг корпоратив Еврооблигацияларининг нархига ва савдо жараёнига ҳам кескин таъсир кўрсатганлиги ва бунинг натижасида тижорат банки еврооблигациялари номиналидан паст баҳоланлигини кўриш мумкин.

